

## VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2020 йилнинг январь-декабр ойларида ташқи савдо айланмаси 4598,1 млн. АҚШ долларини ва ўзгариш суръати 96,9 %ни, жумладан 1779,3 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 99,9 %, 2818,8 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95,1 % ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)**

	январь-декабрь		2019 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида
	2019 й.	2020 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>4746,9</b>	<b>4598,1</b>	<b>96,9</b>

*шу жумладан:*

МДХ давлатлари	1981,6	2130,3	107,5
бошқа давлатлар	2765,3	2467,8	89,2
<b>Экспорт</b>	<b>1781,6</b>	<b>1779,3</b>	<b>99,9</b>

*шу жумладан:*


МДХ давлатлари	581,1	641,4	110,4
бошқа давлатлар	1200,5	1137,9	94,8
<b>Импорт</b>	<b>2965,3</b>	<b>2818,8</b>	<b>95,1</b>

*шу жумладан:*


МДХ давлатлари	1400,5	1488,9	106,3
бошқа давлатлар	1564,8	1329,9	85,0

Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ  
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да

2019 йил январь-декабрь



2020 йил январь-декабрь




2020 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида
	2019 йил январь-декабрь	2020 йил январь-декабрь	2019 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>99,9</b>
пахта толаси	6,2	0,8	13,5
озиқ-овқат маҳсулотлари	9,7	15,9	163,1
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	2,1	3,3	157,8
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,0	0,0	20,6
қора ва рангли металллар	61,1	57,5	94,0
машина ва ускуналар	2,6	2,0	77,5
хизматлар	0,8	0,6	77,1
бошқалар	17,4	19,8	113,4
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>95,1</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	15,3	16,0	99,3
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	8,8	8,9	96,1
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,2	3,7	295,0
қора ва рангли металллар	15,3	13,6	84,5
машина ва ускуналар	34,8	34,4	93,9
хизматлар	1,4	1,8	120,4
бошқалар	23,3	21,7	88,8



Экспорт таркибида товарлар 99,4 % улушига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металлар (57,5 %), бошқа турдаги товарлар (19,8 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (15,9 %), пахта толаси (0,8 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (3,3 %), машина ва ускуналар (2,0 %), шунингдек, хизматлар (0,6 %) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн. АҚШ доллари)**

**2019 йил  
январь-декабрь**



**2020 йил  
январь-декабрь**




Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (34,4%), қора ва рангли металллар (13,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (16,0 %) ҳамда бошқа маҳсулотлар (21,6 %) гуруҳлари ҳисобига тўғри келди.




### Товар ва хизматлар импорти таркиби

(млн. АҚШ доллари)

2019 йил  
январь-декабрь



2020 йил  
январь-декабрь




2020 йилнинг январь-декабр ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида  
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси

	Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида	2019 йил январь-декабрь нисбатан % ҳисобида
Россия	22,3	127,8
Қозоғистон	17,1	88,6
Хитой	16,8	96,0
Туркия	14,8	83,7
Корея Республикаси	4,2	103,8
Афғонистон	2,6	170,3
Қирғиз Республикаси	2,0	155,7
Тожикистон	1,8	93,6
Германия	1,7	60,8
Б.А.А	1,5	74,3
Украина	1,4	100,6
Латвия	1,1	173,9
Литва	1,1	90,7
Италия	1,0	93,9
Беларус	0,8	65,6
Нидерландия	0,7	123,5
Бразилия	0,6	56,7
Ирландия	0,6	118,6
Польша	0,5	108,1
Озарбайжон	0,5	214,8


Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Туркия, Россия, Хитой, Қозоғистон ва Афғонистон давлатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 77,9 %ини ташкил қилади. Туркия, Россия, Хитой, Қозоғистон ва Афғонистон давлатларига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

**2020 йил январь-декабрь ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да**

**Экспорт**




**Импорт**



Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 46,3 %ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,5 %га ошди.

Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 53,7 %ни ташкил қилди (2019 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 58,3 %га тенг бўлган).

**Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг  
ташқи савдо айланмаси**  
(млн. АҚШ доллари)



Сўнгги йилларда Ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.



## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 347,8 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 215,8 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 56,3 %га ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида 182,9 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 94,8 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кийматда - 56,1 %га ўсган.

Шунингдек, 89,2 минг тонна мева ва резаворлар 65,9 млн. АҚШ долларга экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 43,0 %га ўсган.

2020-йил январь-декабрь,  
млн. АҚШ доллари



Мева ва  
резаворлар  
89,2 минг  
тонна  
65,9 млн.  
АҚШ  
доллари



Узум  
55,3 минг  
тонна  
48,1 млн.  
АҚШ  
доллари



Қовун ва  
тарвузлар  
18,8 минг  
тонна  
5,0 млн.  
АҚШ  
доллари



Ерён-  
ғоқлар  
1,6 минг  
тонна  
1,9 млн.  
АҚШ  
доллари



Сабзавот-  
лар  
182,9 минг  
тонна  
94,8 млн.  
АҚШ  
доллари

Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 160,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, умумий экспортдаги улуши 9,0 %ни ташкил этди.